

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ АҲЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ходжаева Д.Ю.

*ТДПУ “Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси
доценти, ф.ф.н.*

Таянч сўзлар: жадидлар, ахлоқий қарашлар, ёшлар тарбияси, Туркистон, “Усули жа-дид”, “Усули савтия”, янги мактаб, миллий уйғониш, Маҳмудхўжа Бехбудий.

Ключевые слова: джадиды, нравственные взгляды, воспитание молодежи, Туркестан, «Усули Джадид», «Усули Савтия», новая школа, национальное пробуждение, Махмудходжа Бехбуди.

Key words: jadids, moral views, youth education, Turkestan, “Usuli Jadid”, “Usuli Savtia”, new school, national awakening, Mahmudkhoja Behbudi.

Жадидлар “Усули жадид”, “Усули савтия” номлари билан шуҳрат топган янги мактабни Туркистонда ташкил қилдилар. Улар биринчи бўлиб замонавий олий мактаб ғоясини илгари сурдилар, ўнлаб жамиятлар тузиб улар ёрдамида қанчадан-қанча ёшларни тараққий қилган Европа мамлакатларига ўқишга юборишга эришдилар.

Жадидлар ҳаёт фаолиятининг асосини албатта ёшлар тарбияси ташкил этган. Ўз ҳисобидан мактаблар очиб, ёш авлодни мустақиллик сари етакладилар. Таълим-тарбияда маърифатни улар кенг маънода тушундилар. Шу боис, миллий маърифатпарварликнинг янги тармоқларини ўлкада қарор топтирдилар. Ижтимоий турмушни, миллий урф-одатларни ислоҳ қилишни жадидлар долзарб масалалардан бири деб ҳисобладилар

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “... биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг кадрини англаб етади [1.].



Ҳақиқатан, жадидлар ўз фаолияти давомида нафақат ўз асарлари, балки илмий-педагогик фаолиятлари билан ҳам ўрناق бўлганлар.

Янги дарсликларнинг яратилишида жадид маърифатпарварларининг мураббийлик фаолиятдан ташқари уларнинг ижодий салоҳияти ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Жадидлар зўр иштиёқ ва фаоллик билан мактаб ислоҳотига киришар экан, дарслик ва қўлланмалар билан боғлиқ муаммоларга дуч келдилар. Чунки мавжуд дарсликлар, асосан, четдан келтирилаётган дарсликлар таттарча ва туркча бўлса, эски мактаблар томонидан ўқитилаётган дарсликлар болалар ёшига умуман тўғри келмасди. Шу сабаб, жадид мактаб-маорифи учун янги турдаги дарслик ва қўлланмалар яратиш даврнинг долзарб масаласи бўлиб, буни ҳал этишнинг уддасидан чиққан кишилар ҳам жадидлар бўлди.

Янги турдаги мактабларни дарсликлар билан мунтазам таъминлайдиган марказлашган муайян матбаа ва кутубхоналарнинг йўқлиги сабаб, муаллимлар ўзи ташкил этган мактаблар учун ўзи дарслик ёзиши ёки албатта шундай дарсликларни излаб топишга мажбур эдилар. Чунки чет эллардан кириб келган дарсликларнинг аксарияти татар, турк, озарбайжон каби тилларда бўлганлигидан улардан фойдаланиш анча ноқулайликлар туғдирган. Шунинг учун маҳаллий зиёлилар маҳаллий болалар учун тушунарли асарлар, дарслик ва қўлланмалар яратишга киришдилар. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган миллий уйғониш ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бири бўлиб, шу даврда ўзбек халқи ижтимоий онгининг уйғонишида муҳим роль ўйнаган.

XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатини бошлаб берган бир қатор фидойи кишилардан сафида турувчи ва йўлбошчиларидан бири бу шубҳасиз, Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу фидойилар орасида мумтоз бир ўринни эгаллайди. У мана шу Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг бонийсидир (пири комили- муаллиф.) [2, 5-6.].

Маҳмудхўжа Бебудий ёшлар тарбияси ва таълимда жонбозлик кўрсатганини қатор жиҳатлари билан тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, у миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенг аралаша олади, деган фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам у тарихга алоҳида эътибор қаратди. Миллий матбуотнинг юзага келишида фаол иштирок этиб, биринчи ўзбек драмасини яратиб, профессионал ўзбек театр санъатининг майдонга келишига муносиб ҳисса қўшди;

Иккинчидан, Туркистонда янги усул мактабларининг очилиши ва уларга методик асарлар яратиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириш борасида салмоқли илмий-педагогик фаолиятни олиб борди.

Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан ташкил этилган мактабда ўқитиш ишлари икки босқичда олиб борилган: биринчи босқич - ибтидоий қисм, иккинчи босқич - рушадия деб аталган. Ҳар иккала босқич тўрт синфдан - саккиз синфни ташкил этган. Бу мактабни тугатган ўқувчилар бошланғич билимларга эга бўлиб, хоҳласа иккинчи босқич мактабида ўқишни давом эттириши мумкин ва шу билимлар билан боғлиқ хизматларда ишлаши мумкин бўлган. Аммо, иккинчи босқич - рушадияда ўқитиладиган фанлар биринчи босқичдаги фанларга нисбатан бир мунча мураккаброқ, ўқиш жараёни ҳам чуқурроқ мазмунга эга булган.

Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий мактабининг рушадия қисмида дастлабки босқичда: биринчи йили - араб тили, жуғрофия, шифохия, форс тили, таржима жумла мухтасар, тарихи анбиё, ислом тарихи, Саъдийнинг “Тулистон”и, туркий тил ўқитилган.

Иккинчи йили - араб тили, шифохия, тарих, ислом, ахлоқ, турк тили, ҳисоб, форс ёзуви ўқитилган бўлса, учинчи босқичда араб тили, ҳисоб, хат ёзуви, тарих, туркий тил, рус тили ўқитилган.

Тўртинчи йили эса араб тили, рус қозихона хатлари, хона хатлари, турк тили ва адабиёти, саломатлик, мактаб ва ҳаёт, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқ ва бошқа шу каби кўпгина ҳаётий дарслар ўқитилган [3].

Ўша даврдаги маҳаллий эски мактаблар учун ёзилган дарсликлар ҳақида Маҳмудхўжа Бехбудий: “... сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисолалар нашр бўлинув турганлиги майдонда ва барчага маълумдур. Агарда мухтарам ношир ва китобчиларимиз мундин сўнг ахлоқ бузгувчи ошиқона ғазаллар ва соф эътиқодларни заҳарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрнига муътабар тарихий, ахлокий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмокка ташаббус этсалар, шояд, бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар” [4, 179], - деган эди ўзининг “Туркистон тарихи” мақоласида.

Албатта, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида дарслик нашр этиш иши фавқулодда ҳолат ҳисобланган. Мактабларни энг зарур ўқув дарсликлари, аниқроғи ўқитиш жараёнида муҳим ҳисобланган алифбо ва ўқиш китоби билан таъминлаш ишида жадидчи маърифатпарварлар фидойилик кўрсатганлар. Улар нашриётлардаги дарслик ва ўқув кулланмалар чоп этишнинг назоратини ўзларининг зиммаларига олдилар. Уларнинг ижодкорлиги, меҳнати ва изланишлари, истеъдод ва маҳоратлари билан янги усул макта-



блари учун янги турдаги дарсликларнинг бутун бир янги авлоди вужудга келди: Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий, томонидан “Рисолаи асбоби савод” (1904 й.), “Қисқача умумий жуғрофия” (1905 й.), “Рисолаи жуғрофии Русий” (1905 й.), “Алифбои мактаби исломия” (1906 й.), “Салим-ул-аввал”, “Китоби муитахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” (1906 й.), “Китобул атфол” (1908 й.), “Амалиёти ислом” (1908 й.), “Исломнинг қисқача таърифи” (1910 й.), “Аҳоли жуғрофиясига кириш” (1910 й.) каби асарларини келтириб ўтиш мумкин.

Тарихни ўрганиш асносида тарих билан боғлиқ бир қатор асарлар ҳам яратиб, жадидлар ўз навбатида бу фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар, яъни, тарих ва уни илмий ва бадиий асарларда жонлантириш бир қатор жадид ижодкорларига хос. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий ижодига мансуб “Тарих ва жуғрофия”, “Бухоро”, “Тарихи Ислом”, “Мирзо Улуғбек”, “Хайрул умумри афсатухо” (“Ҳар бир ишнинг ўрта миёнаси дуруст”) шулар жумласидандир [5, 57].

Маҳмудхўжа Бехбудий мамлакат тараққиёти, ўзликни англаш, комил инсон бўлиб етишиш, жамиятни бошқаришда тарих фанининг аҳамияти бекиёс эканлигини таъкидлайди. У фақат ватан тарихи эмас, Европа ва жаҳон мамлакатлари тарихини ҳам ўрганиш зарур, бусиз ҳеч ким маърифатли бўла олмайди, деган фикрни илгари суради. “Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин уқиб, ибрат олмоқ; ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлиб кетганини қўйиб мундан ҳам этмак мумкиндир” [4, 179], - деб, Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Туркистон тарихи” мақоласида ёзади.

Маҳмудхўжа Бехбудий тарих илми ҳақидаги фикрларини давом эттириб, “Мозий - истиқболнинг тарозисудир” деган хулосага келади. У ўқувчиларда оғзаки нутқни ривожлантиришни маъқул кўрди ҳамда тарихни ўқитишнинг ушбу муҳим масалаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Икки эмас, тўрт тил лозим” номли мақоласида “... бугун бизларга тўрт тилда таҳрир ва тақрир этувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий. Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдир” [5, 59], деган эди.

Тилнинг юрт тараққиёти учун муҳим омил эканлигини теран мушоҳада этган Маҳмудхўжа Бехбудий ўз қарашларида ўзбек тилидан ташқари чет тилини ҳам узлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Хулоса қилиб айтганда бир қатор жадидларнинг жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатпарварлик, адабиёт, драматургия, тарихнафислик

ва илмий-педагогик мероси нафақат XX аср ёш авлод илм-маърифатини ривожлантириш балки, бугунги кундаги баркамол авлод тарбиясидаги долзарб масалалар ечимга жавоб топишда дастуруламал вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январ.
2. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т. “Маънавият”, 2020. – Б.5-6.
3. Ziyonet.uz
4. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 179.
5. Номозова К. Жади́дчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Т.: “Turon-Iqbol”, 2010. – Б. 57.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жадидлар асарларидаги ахлоқий қарашларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Жади́дларнинг Туркистонда “Усули жади́д” ва “Усули савтия” номлари билан янги мактабларни ташкил қилининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва роли таҳлил этилган. XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатини бошлаб берган жадидлар фаолияти Маҳмудхўжа Бехбудий асарлари мисолида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о роли нравственных взглядов в произведениях древних в воспитании молодежи. Проанализировано место и роль методов Усули жади́д” и “Усули савтия” джади́дов в воспитании молодежи в Туркестане. Деятельность джади́дов, положивших начало национально-возрожденческому движению в Туркестане в начале 20 в., иллюстрируется произведениями Махмудходжи Бехбудии.

SUMMARY

This article talks about the role of moral views in the works of the ancients in the education of youth. The place and role of the methods of Usuli Jadid” and “Usuli Savtiya” Jadids in the education of youth in Turkestan is analyzed. The activities of the Jadids, who laid the foundation for the national revival movement in Turkestan at the beginning of the 20th century, are illustrated by the works of Mahmudhodji Behbudi.